

## ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ ВА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

**Yusupova Xurshida Mamatkarimovna**

O'zbekiston Respublikasi Oriental universiteti Tarix fakulteti ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasи mudiri

---

### ARTICLE INFO.

**Калим сўзлар:** Тошкент, воҳа, шаҳарсозлик, Суғд меъморчилик анъаналари, Чирчиқ, Оҳангарон, Бинкот, Харашикот, Шутуркот, Новкот, Тункот ва Бинокот.

### Аннотация

Ушбу мақолада Тошкент воҳасида кечган ижтимоий-иқтисодий омиллар, уларнинг воҳа шаҳарсозлик маданияти ривозига кўшган хиссаси ва воҳа шаҳарсозлик ривожланиши босқичлари таҳлили қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Тошкент воҳаси энг қадимги даврлардан бошлаб Марказий Осиёning иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган тарихий-маданий ўлкаларидан бири бўлиб келган. Иқтисодий ҳаёт ривожи дехқончлик ва яйлов чорвачилиги, тоғ-кон ишлаб чиқариши ва ҳунармандчиликнинг кўплаб тармоқлари фаолиятида, йирик қишлоқлар ва шаҳарларда ички ва ташки иқтисодий-маданий алоқалар босқичма-босқич ривожланиб келгани мисолида кўриш мумкин.

Тошкент воҳаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий, савдо-сотик ва ҳунармандчилик ҳамда диний марказлар сифатида пайдо бўлган ва ривожланиб келган йирик шаҳарлар мисолида кўриш мумкин. Тошкент воҳасида шаҳарсозлик маданияти ривожини ёритишдан олдин бу муаммонинг умумий назарий жиҳатларини қисқача очиқлаб ўтиш зарур. Тарихчилар ва географлар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра шаҳар - одамлар яшайдиган тузилма сифатида меъморчилик ва қурилиш фаолиятининг, нисбатан юқори ва мураккаб кўриниши бўлиб, унинг минтақа ҳаётида ҳудуднинг иқтисодий ва маъмурий-сиёсий роли бир қанча кўрсаткичларга: шаҳарнинг кўлами, ички ва ташки тузилишига, яъни қурилмаларининг зичлиги даражасига, хомашё манбалари, сув йўллари ва иқтисодий-савдо тармоқларига нисбатан жуғрофий ўрнига бевосита боғлиқдир. Юқорида зикр этилган омиллардан шаҳарнинг энг муҳим мезони – унинг аҳолиси, машғулоти, шунингдек, касб-хунар ва савдо-сотик билан боғлиқ хусусиятлари келиб чиқадики, бу шаҳарнинг иқтисодий ва маданий салоҳиятини аниқлашда бош кўрсаткич бўлиб хизмат қиласди.

Олиб борилган тарихий-археологик тадқиқотлар натижасида Тошкент воҳаси тарихининг қадимги босқичида 13 та шаҳар типидаги манзилгоҳ қайд этилган. Шаҳарларнинг умумий майдони ўртача 416 гектар, аҳолиси – 45-50 минг кишидан иборат бўлган. Жами аҳолининг ярмидан кўпи воҳанинг ғарбий қисмидаги шаҳарларда яшаган. Шаҳарларнинг аксарияти воҳанинг ғарбий қисмидаги текисликларда, Сирдарё ёқасида ҳамда унинг асосий ирмоқларининг

қуи қисмидан мінтақаның маркази жағдайда шимолий қисмларында жойлашған<sup>1</sup>. Дастлабки босқичда шаҳарлар жойлашған худуд қадимги бургулик (бұрхонли сүзи асосида) маданиятининг ўзагига мос келади. Бу босқичда Сирдарё мінтақадағы шаҳар ҳаётининг ўзаги ҳисобланған. Мінтақада шаҳар маданиятининг шаклланишида Суғд зироатчилари билан қадимги алоқалар катта рол ўйнаган. Сирдарё факат чегара бўлигина қолмасдан, фаол алоқалар худуди бўлиб ҳам хизмат қилган. Айни пайтда, ягона давлат бирлашмаси доирасида қуи Сирдарё қабилалари ҳамда Шимолий Фарғона билан алоқалар ҳам ривожланиб борган. Бу ҳолда ҳам дарё ўзаро маданий муносабатларни боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилган. Суғд меъморчилик анъаналарининг таъсирида вужудга келган қадимги шаҳар манзилгоҳи ва милоддан аввалги II-I асрларга оид манбаларда қайд этилган Юйни мулкининг бириңчи пойтахти Сирдарё яқинида жойлашгани бежиз эмас<sup>2</sup>.

Аммо мазкур босқичнинг охиридан, айниңса, Қовунчи II да манзара ўзгара бошлайди. Девор билан ўралган шаҳарлар Чирчик ва Оҳангароннинг ўрта оқимида, чўл, адирлар билан чегараларда, тоғ олди худудларида, яъни ўтрок ва кўчманчи қабилаларнинг чегараларида ҳамда чорвадорлар яшайдиган худудларда вужудга келади. Воҳада шаҳарларнинг ривожланиши зироатчиликнинг жадал ривожланиши, анча ривожланган сугориш тизимининг ташкил этилиши, Чирчик ва Оҳангароннинг ўрта оқимида ерлардан фойдаланишининг тартибга солиниши, мазкур дарёларнинг юқорисидаги баланд тоғ воҳаларига зироатчиларнинг келиб ўрнашиши билан бирга кечади. Ундан ташқари, Чоч шаҳарлари тараққиёти, хунурмандчилик, аввало, тоғ кончилиги ва металлуриянияннинг ривожланиши халқаро карвон йўллари асосий тармоғининг шимолга ҳаракатланиши, Яксарт (Сирдарё) бўйлаб алоқаларнинг давом этиши кўшни Суғд ва Тоҳаристон билан алоқаларнинг мустаҳкамланишига олиб келди<sup>3</sup>. Бу ҳолат Қанғ давлатининг парчаланиши натижасида ажралиб чиққан мустақил Чоч вилоятининг ўз мавқенини мустаҳкамлашга ва янги сиёсий бирлашма сифатида янги иқтисодий алоқалар ўрнатишга интилганидан далолат беради.

Илк ўрта асрларда шаҳарлар ўртасида маълум интеграция жараёнлари содир бўлади. Бу даврда шаҳарларнинг икки гурухини ажратиш мумкин. Бириңчи гурухга нисбатан зич қурилган, босқичма-босқич ривожланиб, карвон йўллари ёки хомашё ресурслари билан боғлиқ бўлган шаҳарлар киради. Шаҳарлар асосан Сирдарё (Яксарт) ёқасида жойлашгани мінтақада шаҳар маданиятининг ривожланиши устувор аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади.<sup>4</sup> Шунингдек, Яксарт факат чегара вазифасини бажармасдан ўтрок ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги алоқалар ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этган. Бундай алоқалар натижасида дарёнинг ўнг қирғоғида шаҳар кўринишидаги манзилгоҳлар пайдо бўла бошлади. Мил. авв. III асрда бунёд этилган Қанка (Қанға) қалъаси бунга мисол бўла олади.<sup>5</sup>

Қадимги даврнинг сўнгги босқичида шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларининг географияси иқтисодий алоқалар йўналишида содир бўлган муҳим ўзарашларни ўзида акс эттиради. Бу босқичда иқтисодий алоқалар Сирдарё ёқалаб эмас, балки воҳа ичига, маъданли хомашё манбалари томонга қараб ривожланған. Афтидан, бу ҳолат ёзма манбаларда қайд этилган, ўз тангасини зарб этган ва дипломатик алоқалар ўрнатиш хуқуқига эга бўлган мустақил Шош вилоятининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган.

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса... (Историко-археологический очерк Чага и Илака). -Т.: Фан, С.28.

<sup>2</sup> Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (Историко-археологический очерк Чага и Илака). - Т.: Фан, 1987. -С. 28, 34.

<sup>3</sup> Буряков Ю.Ф. Бассейн среднего Яксарта в древности и раннем средневековье //Городская культура Бактрии – тоҳаристана и Согда. Античность, ранние средневековья. Мат. Советско – Французского коллоквиума. – Самарканд, 1986. - С. 36.

<sup>4</sup>Буряков Ю.Ф. Особенности формирования оседлой культуры бассейна Средней Сырдарьи...с.36.

<sup>5</sup>Буряков Ю.Ф. Культурные связи бассейна Средней Сырдарьи с Согдом и Бактрией в древности и раннем средневековье //Городская среда и культура Бактрии-Тоҳаристана и Согда (IV в. до н.э. – VIII в. н.э.) // Тезисы докладов Советско-Французского коллоквиума... -С. 38-39.

VI-VIII асрларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини Ўрта Осиё вилоятлари, Кавказ ҳамда Яқин Шарқдаги бир қанча мамлакатлар билан боғлаган карвон йўлининг марказий тармоқларидан бири Шош ва чўл худудлари орқали ўтган.

Шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари тармоғи VIII асрда манзилгоҳларнинг айрим тизимлари ўсиб бораётган иқтисодий алоқалар таърисида ва сиёсий бирлик негизида аста-секин минтақадаги ягона ижтимоий тизимга бирлашиб борганигини кўрсатади.

Бу жараёнлар IX-XII асрларда айниқса ёрқин намоён бўлган. Шаҳарлар сонининг кўпайиши билан бир вақтда, уларнинг жуғрофий доираси ҳам кенгайиб боради. Чирчиқнинг Сирдарёга қўйилиш жойида Унжакент шахри вужудга келган. Бу шаҳарнинг пайдо бўлиши мазкур дарёлардан кечиб ўтишни тартибга солган ва Суғд билан Шош ўртасидаги энг қисқа шимолий йўлни узил-кесил расмийлаштириб, уни халифалик мамлакатлари Жануби-Шарқий Осиё билан савдо алоқаларини амалга оширувчи асосий йўлга айлантирган.<sup>6</sup> Бу жараён Чирчик водийсида шаҳарларнинг равнақ топишига туртки берган эди.

Бу даврда Чирчиқнинг юқорисида, Шимоли-Шарқий Фарғонага ва Еттисувга олиб борадиган тоғ йўллари ёқасида ҳам шаҳарчалар ҳамда кончилик иши ва темирчилик манзилгоҳлари вужудга келади. Илоқнинг тоғ олди ҳудудларида ҳам янги темирчилик қишлоқлари пайдо бўлган. Воҳа марказида ва янги ўзлаштирилган адирли ерларда ўз атрофида бир қанча қишлоқларни жамлаган шаҳарлар вужудга кела бошлади. VI-VII асрларга таққослаганда, бу даврда шаҳарлар сони бир ярим баравар кўпайиб, майдони эса уч баравар кенгаяди. Воҳада кичик шаҳарчалар анча кўп бўлса-да, айнан шу даврда бу ерда олтига йирик марказ: Бинкат, Харашкат, Шутуркат, Новкат, Тункат ва Бинокат пайдо бўлади. Улар жами шаҳарлар майдонининг учдан икки қисмини эгаллаган эди. Ўртacha катталиқдаги шаҳарлар сони йирик шаҳарлар сонидан бир ярим баравар кўп бўлиб, уларнинг умумий майдони воҳадаги жами шаҳарлар ҳудудининг 22 фоизини ташкил этган. Кичик шаҳарлар сони йирик шаҳарлар сонидан беш баравар кўп бўлган, аммо улар жами шаҳарлар майдонининг атиги 15 фоизни эгаллаган.<sup>7</sup>

О.Г.Большаков Шош шаҳарларига баҳо берар экан, уларнинг кўп сонлилигини ривожланиш даражасининг пастлигини, уларда шаҳар ва қишлоқ хўжалик вазифалари яхши табақалашмаганлиги билан изоҳлади.<sup>8</sup> Шаҳарлар ривожланишининг муайян шартшароитларини таҳлилдан ўtkазиш бизга Шош шаҳарлари сонининг кўплиги сабабларини ва уларнинг ривожланиш даражасини бошқача ёритиш имконини берди. Биз шаҳарлар ўз атрофидаги қишлоқлар билан яқин алоқа қилгани, шаҳарликларнинг бир қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганини инкор этмаймиз. Бундай алоқа мавжуд бўлган. Аммо бу факат Шош шаҳарларига эмас, балки Хурросон ва Мовароуннаҳрдаги аксарият шаҳарларга хос хусусиятдир. Шарқ шаҳарларини, масалан, Самарқанд, Бунжикатни тавсифлашда уларда экин майдонлари мавжуд бўлганига дуч келиш мумкин. Айрим Шарқ шаҳарлари тупроғининг унумдорлиги, экин майдонларидаги ҳосилдорликнинг юқорилиги учун мадҳ этилади. Шу билан бир вақтда, майда ҳунармандчилик бир қанча қишлоқларда ҳам маълум бўлганлигини, унинг айрим турлари эса халқаро бозорларда донг таратганлигини унутмаслик лозим.

X-XIII асрларда шаҳарларнинг ривожланиш даражаси нисбатан юқори бўлгани кончилик ишининг, айниқса, олтин ва кумуш қазиб чиқаришнинг жадал ривожланиши, қулай жуғрофий ўринга эгалик – савдо йўлларида жойлашганлик, товар-пул муноса-батларига фаол қўшилган ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг йирик истеъмолчиси ҳисобланган кўчманчи халқлар билан яқин алоқа қилиш натижасида юзага келган иқтисодий ҳолатни ҳаққоний акс эттиради.

<sup>6</sup> Буряков Ю.Ф. Средневековые торговые пути..., с. 64.

<sup>7</sup> Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (Историко-археологический очерк Чача и Илака). –Т.: Фан, 1975.

<sup>8</sup> Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. - Л., 1973.

Шу билан бир вақтда, бу даврда Тошкент воҳасида ҳам, бутун минтақада кузатилгани каби, шаҳарсозлик маданияти ривожида янги услублар пайдо бўла бошлади ва шаҳарларни устувор ривожлантириш йўналишлари бузила бошлайди. Йирик марказлар минтақадаги шаҳарларнинг умумий майдонида нисбатан кам ўринни эгаллай бошлаган. Унга қарама-қарши ўлароқ, Чирчиқнинг ўрта оқимида, Тошкент ҳудудида майдонига кўра қадимги ўзакдан қолишмайдиган ўрта ва кичик шаҳарлар пайдо бўлади. Шуниси дикқатга сазоворки, янги пойтахт – «Шош мадинаси» ўртacha катталиқдаги шаҳар, Илоқ пойтахти Тункат эса – кичкина шаҳар бўлган. Ўрта шаҳарлар энди жами шаҳарлар майдонининг 41 фоизни эмас, балки атиги 28,6 фоизни эгаллаган. Ҳудуднинг асосий қисми – 49,3 фоизда кичик шаҳарлар жойлашган.<sup>9</sup>

Кейинги даврда шаҳарлар сони қарийб икки баравар кўпайиб, уларнинг умумий майдони эса 3-5 баравар кенгаяди. Ўсиш асосан йирик шаҳарлар ҳисобига содир бўлган. Уларнинг энг каттаси – Бинкат, ўрта асрлар муаллифлари берган маълумотларга қараганда, катта майдонни эгаллаган ва тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Унинг умумий майдонини О.Г.Большаков 1300-1400 гектар деб кўрсатади, аммо ички работ доирасидаги аҳоли зич яшайдиган ҳудуд 350-400 гектарни ташкил этган.<sup>10</sup> Истаҳрийнинг ёзишича, Харашкат майдони жиҳатидан воҳадаги иккинчи шаҳар ҳисобланган. Кейинги ўринда Шутуркат турган. Муқаддасий берган маълумотга кўра, Шутуркат Бинкатга деярли тенг, Бинокат эса Шутуркатга яқин. Ҳозирги маълумотларга қараганда, Харашкат работлари билан бирга 200 гектардан катта майдонни эгаллаган. Ваҳоланки, Бинокатнинг майдони шаҳар равнақ топган даврда ҳам 140-150 гектардан ошмаган.<sup>11</sup>

Шаҳарлар тараққиётидаги энг катта ўзгаришлар IX-XII асрларда содир бўлади. Уларнинг ҳудуди уч-беш баравар кенгайиб, ички тузилиши ҳам ўзгаради. Бу ҳолат шаҳристон билан ички работнинг тархида айниқса ёрқин намоён бўлади.

Оҳангарон ҳавзасида дарёning ўрта ва юқори оқимларида шаҳарларнинг ўсиши кузатилади. Илоқнинг пойтахти Тункат янада кенгайган. У 180 гектарга яқин майдонда девор билан ўраб олинган. Шаҳар қалъасида ва шаҳристонида ҳукмдорнинг саройи, зарбона, бозорларнинг бир қисми, қамоқхона жойлашган. Шаҳарнинг асосий савдо-иқтисодий ҳаёти темирчилар, ҳунармандларнинг устахоналари, бозорлар, сув олиш иншоотлари жойлашган работда кечган. Аммо, Бинокатдан фарқи ўлароқ, Тункат ҳудудининг учдан бир қисмидагина аҳоли зич яшаган. Темирчилик устахоналаридан жануброқда, сув манбалари ёқасида хўжаликлар, улардан нарироқда, тоғ олди ҳудудида эса – яхши ўзлаштирилмаган майдонлар, афтидан, боғлар ва далалар жойлашган. Уларни суғориш учун Отчопарда кичик сув омбори ташкил этилган.<sup>12</sup>

Оҳангароннинг юқорисида шаҳарларнинг катта бир груҳи вужудга келган. Уларнинг энг йириги Обрлик бўлиб, у дарёning ўнг қирғоғида 80 гектар майдонни эгаллаган. Воҳанинг йирик шаҳри ҳисобланган ва 1400 гектар майдонда жойлашган Бинкатнинг шаҳристони ва ички работида, яъни 350-400 гектар майдондагина аҳоли зич яшаган. Шаҳристон аҳолиси тахминан 5 минг кишини ташкил қилган. Бутун шаҳарда эса 50-55 минг киши яшаган.<sup>13</sup>

Колган йирик шаҳарлар – Харашкат, Новкат, Шутуркат, Бинокатда 21-24 минг киши, Тункатда эса – 15 киши яшаган. Ўрта шаҳарлар аҳолиси 7-10 минг кишини ташкил этган. Умуман олганда, воҳанинг шаҳар аҳолиси тахминан 250-270 минг киши бўлган.<sup>14</sup>

Ушбу бўлимга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент воҳаси шаҳарларининг ривожланишида

<sup>9</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. -Т.: Фан, 1984. -С.168.

<sup>10</sup> Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. -Л., 1973. -С.198, 267.

<sup>11</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. с171

<sup>12</sup> Буряков Ю.Ф Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса ( историко-археологический очерк Чача и Илака). –Т., 1975. с. 57.

<sup>13</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. –Т., 1984. -С.174.

<sup>14</sup> Ўша асар. -С.175-176.

кончилик иши ва темирчиликнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Хусусан, ўрта асрларга келиб, Чирчик водийсида саккизта янги шаҳар пайдо бўлади. Уларнинг олтиласи дарёнинг ўрта оқимида, чўлга туташ текислик ҳудудида жойлашган. Оҳангарон ҳавзасининг дарё водийсида ва Чотқол-Қурама тизмасининг тоғ олди ҳудудларида еттига янги шаҳар, икки дарё оралиғидаги тексиликда ва адирлар ҳудудида эса иккита шаҳар манзилгоҳи пайдо бўлади.

Шаҳар аҳолисининг жойлашишида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Сирдарё ёқасидаги қадимги шаҳарларда воҳа аҳолисининг учдан бир қисмигина қолган. Ўрта Чирчиқдаги янги шаҳарларда ҳам тахминан шунча аҳоли яшаган. Оҳангарон ҳавзасидаги аҳоли сони уч баравар кўпайган. Бу ҳудудларда шаҳарларнинг жадал ривожланиши сиёсий ва иқтисодий ҳодисалар билан боғлиқ эди. Бу, авваламбор, Шош сиёсий ва иқтисодий мустақилликни қўлга киритгани билан боғланади. Қолаверса, юкорида таъкидлаганимиздек, бу даврда минтақанинг хом ашё ресурсларини ўзлаштириш янада қизғин тус олиб, бу жараён шаҳарлар тараққиётини таъминлаган асосий омил эди.